

“ТАСДИҚЛАНГАН”

“РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН”


“Yo'lqurilish” акциядорлик жамияти  
ягона таъсисчисининг  
2020 йил “27” ноябрь даги  
4 сонли қарори билан

Ўзбекистон Республикаси Капитал  
бозорини ривожлантириш агентлиги  
директорининг биринчи  
ўринбосари

Давлат активларини бошқариш агентлиги  
директори ўринбосари в.б.

Т. Набиев Т. Набиев

Т. Махмудов Т. Махмудов



АКЦИЯЛАРНИ БИРЛАМЧИ ЧИҚАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОР

“Yo'lqurilish” акциядорлик жамияти

Идентификация рақами берилди:	R	U	1	0	1	1	0	9	1	8	T	5
-------------------------------	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---

Ҳар бирининг номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўм бўлган 95 133 160 (тўқсон беш миллион бир юз ўттиз уч минг бир юз олтмиш) дона эгасининг номи ёзилган ҳужжатсиз оддий акциялардан иборат.

Акцияларнинг ушбу чиқарилиши ёпиқ обуна усулида жойлаштирилади.

Акцияларнинг ушбу чиқарилиши биринчи чиқарилишдир.

Тасдиқланган: Жамиятнинг ягона таъсисчисининг 2020 йил 27 ноябрдаги қарори билан

Жамиятнинг ягона таъсисчисининг 2020 йил 27 ноябрдаги қарори билан қабул қилинган

Эмитентнинг жойлашган жойи, почта манзили, мулоқот телефонлари ва электрон почта манзили:

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, П.Махмуд 2 тор кўчаси, 26 уй  
Телефон: +998 (78) 150-05-67, электрон почта: info@yulqurilish.uz

Бошқарув раиси

Р.М. Ерниязов

Р.М. Ерниязов

Бош бухгалтер  
Мухр



А.Н. Ахмедова

2020 йил “27” ноябрь

1. Ушбу чиқарилишдаги эгасининг номи ёзилган акциялар тури (оддий ёки имтиёзли):  
**Оддий.**
2. Ушбу акциялар чиқарилишининг шакли: **хужжатсиз.**
3. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг номинал қиймати (сўм): **1 000 (бир минг) сўм.**
4. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони (дона): **95 133 160 (тўқсон беш миллион бир юз ўттиз уч минг бир юз олтмиш) дона оддий.**
5. Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм): **95 133 160 000 (тўқсон беш миллиард бир юз ўттиз уч миллион бир юз олтмиш минг) сўм.**

6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар эгаларининг ҳуқуқлари:

**Акциядор:**

- жамият акциядорининг реестрига киритилиши;
- депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;
- жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
- жамият тугатилган тақдирда ўзига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
- акциядорнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали Жамиятни бошқаришда иштирок этиш;
- жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;
- олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- ўзига етказилган зарарни ўрнини қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;
- қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш ҳуқуқига эга.

Шунингдек, акциядор қонун ҳужжатларига ва жамият уставига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

7. Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан жамият уставига ва/ёки чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги ҳар қандай чеклашлар:

Амалдаги қонунчиликка асосан жамият таъсис этилишида ушбу чиқарилган акциялар ягона акциядорга (Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига) ёпиқ обуна орқали жойлаштирилади.

8. Жамият устав капиталининг миқдори (сўм): **95 133 160 000 (тўқсон беш миллиард бир юз ўттиз уч миллион бир юз олтмиш минг) сўм.**

9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади):

**Илгари жойлаштирилмаган. Мазкур чиқарилув бирламчи ҳисобланади.**

10. Илгари жойлаштирилган облигациялар сони (турлари ва кўринишлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади):

**Жамият томонидан корпоратив облигациялар чиқарилмаган ва жойлаштирилмаган.**

11. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби.

11.1. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули (очиқ ёки ёпиқ обуна):

Ушбу чиқарилишдаги акциялар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси йўл хўжалиги тизимини чуқур ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5890-сонли Фармонида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 декабрдаги “Йўл соҳасини бошқариш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПКҚ-4545-сонли қарорига ҳамда Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2020 йил 10 апрелдаги “Йўлқурилиш” акциядорлик жамиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 96-П-сонли ва 2020 йил 18 сентябрдаги “Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2020 йил 10 апрелдаги 96-П-сонли буйруғига ўзгартириш киритиш тўғрисида”ги 201-П-сонли буйруқларига асосан ёпиқ обуна усулида Давлат активларини бошқариш агентлигига жойлаштирилади.

11.2. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг муддати:

Ушбу чиқарилишдаги акциялар жамият давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб бир йил ичида жойлаштирилади.

Акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси: Мазкур акциялар чиқарилиши давлат рўйхатига олинган сана.

Акцияларни жойлаштиришни тугатиш санаси: Ушбу чиқарилишдаги энг охириги акция жойлашган кун, бироқ ушбу чиқарилишдаги акциялар жамият давлат рўйхатидан ўтказилган санадан бошлаб бир йилдан ошмаслиги лозим.

11.3. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартиби:

Ушбу чиқарилишдаги акциялар “Yo'lqurilish” акциядорлик жамияти ва Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ўртасида биржадан ташқари уюлмаган бозорларда тўғридан-тўғри битим тузиш ва ушбу битим “Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси” давлат корхонасида рўйхатдан ўтказиш йўли билан жойлаштирилади.

Ушбу чиқарилишдаги акцияларни жойлаштиришга андеррайтерларни жалб қилиш кўзда тутилмаган.

11.4. “Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси” давлат корхонаси ва қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачиларнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, телефони:

“Yo'lqurilish” акциядорлик жамияти акцияларига бўлган ҳуқуқларни ҳисобини юритиш “Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси” давлат корхонаси томонидан амалга оширилади.

“Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси” давлат корхонаси ҳақида маълумот:

Тўлиқ номи: “Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси” давлат корхонаси;

Ташкилий ҳуқуқий шакли: Давлат корхонаси;

Жойлашган жойи: 100170, Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Мустақиллик шох кўчаси 107-уй;

Почта манзили: 100170, Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Мустақиллик шох

кўчаси 107-уй;

Телефон: (71) 267-37-42, факс: (71) 267-36-87. e-mail: [info@deponet.uz](mailto:info@deponet.uz), веб манзили: [www.deponet.uz](http://www.deponet.uz)

11.5. Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби:

**Ушбу чиқарилишдаги акцияларни жойлаштириш имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқисиз амалга оширилади.**

11.6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби: **Ушбу чиқарилишдаги акциялар номинал қийматда, яъни 1 000 (бир минг) сўмдан жойлаштирилади.**

11.7. Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби:

Акциялар учун тўлов Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси йўл хўжалиги тизимини чуқур ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5890-сонли фармони ва 2019 йил 9 декабрдаги “Йўл соҳасини бошқариш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4545-сонли қарорига ҳамда Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2020 йил 10 апрелдаги 96-П-сонли ва 2020 йил 18 сентябрдаги 201-П-сонли буйруқларига асосан 1-иловада келтирилган 23 та масъулияти чекланган жамиятларининг устав капиталларидаги давлат улушлари 95 133 160 362 (тўқсон беш миллиард бир юз ўттиз уч миллион бир юз олтмиш минг уч юз олтмиш икки) сўмлик активларни номинал қийматида бериш ҳисобига амалга оширилади.

11.8. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби:

**Акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда, шу кундан эътиборан ўн кунлик муддатда акциялар учун тўлов сифатида берилган воситалар белгиланган тартибда қайтарилади.**

12. Эмитент томонидан қимматли қоғозлар чиқарилиши (қўшимча чиқарилиши) тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилиш тартиби:

**Ушбу акциялар чиқарилиши билан боғлиқ муҳим фактлар тўғрисидаги маълумот (ахборот) конун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда “Yo'lqurilish” акциядорлик жамиятининг корпоратив веб-сайтида ([www.yulqurilish.uz](http://www.yulqurilish.uz)) ва Корпоратив ахборот ягона порталида ([www.openinfo.uz](http://www.openinfo.uz)) ошкор қилинади.**

13. Бошқа маълумотлар. “Yo'lqurilish” акциядорлик жамиятининг янги таҳрирдаги устави Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани Давлат хизматлари марказидан 2020 йил 20 октябрда рўйхатдан ўтган. СТИР:307751303.